

Т.МАЛИКОВ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
“Молия ва молиявий технологиялар” кафедраси профессори,
“Молия” илмий мактаби раҳбари,
иқтисод фанлари доктори, профессор

МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: УЛАР ҚАНДАЙ ТАЛҚИН ҚИЛИНИШИ КЕРАК? - 1

XX аср охирлари ва XXI аср бошларига келиб замонамизнинг, том маънода, тезлашиб кетганлигига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳаётимиз шиддат билан илгарига одимламоқда. Барча жабҳаларда ўзгаришлар содир бўлмоқда. Илм-фан ҳам юқори суръатларда ривожланмоқда. Унинг ютуқлари билан баравар қадам ташлаш ва улар билан ҳамоҳанг бўлишга баъзан улгурмай ҳам қолаяпмиз. Бу барча фанларга - тегишли. Иқтисод (молиявий) фанлар(и) ҳам бундан мустасно эмас...

Мана ўша янгиликларнинг кўринишларидан бири: яқиндан бошлаб иқтисод илмининг муҳим қисмларидан бири бўлган молиявий илмда ҳам, сира ўйлаб ўтирмасдан, янги бир атамадан кенг фойдаланишга киришдик. У “молиявий технологиялар” деб аталмоқда. Бу атама илмимизда, афсуски, илмга зид равишда ўз-ўзидан кириб келди. Ҳолбуки, ҳаётда ва шу жумладан, илмий ҳаётда ҳам ўз-ўзидан ҳеч нарса содир бўлмайди. Уни шу тарзда талқин қилиш эса, ўз навбатида, табиат ва жамият тараққиётининг энг асосий объектив қонун ва категорияларини инкор этиш билан - баробар: ҳуда ва беҳудага қанча чиранмайлик бунинг асло иложи йўқ.

Одатда, ҳар қандай илмда (молиявий илмда ҳам - худди шундай) янги бир атаманинг илмий муомалада илк ёки янгидан қўлланилиши турли мунозара, муҳокама ва шов-шувларга сабаб бўлади. Шунингдек, у ва унинг муаллифи олдин минг бир илмий чиғириқдан ўтказилади, асослар етарли бўлса, сўнг илм оламида “сайр қилиш” қилиш учун унга оқ фотиҳа берилади. Афсуски, “молиявий технологиялар” буларнинг баридан бебаҳра қолди. У молиявий илм-фанда муаллифсиз кириб келган ва келаётган атамадир. Уни илмий муомала (айланма)да биринчи бўлиб ким кирит (ишлат)ганлиги

маълум эмас. Зеро, шундай даъво билан илмий саҳнага чиққан мард орамизда йўқ. Шу боис, унинг мазмун-моҳиятини талқин қилишда молиявий илм аҳли орасида ҳам “Ҳар каллада - ҳар хаёл!” принципи устуворлик қилмоқда.

Хурфикрлилик ёки фикрлар хилма-хиллигининг ўзига хос ифодаси бўлган бундай принципга устуворлик беришнинг ижобий жиҳатлари ҳам бор, албатта. Зеро, улар ҳар қандай илм-фан, шу жумладан, молиявий фанларнинг ҳам тараққиётига хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, бу принципнинг бу жойда салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Улар, аксинча, ҳар қандай илм-фан ва шу жумладан, молиявий фанлар тараққиётининг кушандасига айланиши ҳам - турган гап. Энг умумий тарзда олиб қаралганда эса, “Ҳар каллада - ҳар хаёл!”нинг ижобий жиҳатларидан кўра унинг салбий томонлари кўпроқ. Бу эса, ўз навбатида, биров кеч бўлганлигига қарамасдан, “Ҳечдан кўра - кеч!”нинг афзаллигидан келиб чиқиб, муаммога аниқлик киритишни тақозо этади. Уни кун тартибидан олиб ташлолмайди. Ва у долзарблигига қолаверади. Шунинг учун биз ушбу мақоламиз доирасида масала (муаммо)ни, аввало, оддий ёки содда тарзда “Молиявий технологиялар: улар қандай талқин қилиниши керак?” шакл ва мазмунида қўймоқчимиз. Сўнг эса унга шу тарзда жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб шуни алоҳида қайд этиш керакки, гарчи баъзи ҳолларда бири-бирдан кўплаб фарқ қилувчи ва бошқа ҳолатда эса, аксинча, шунча ўхшаш жиҳатлари мавжуд бўлишига қарамасдан, ҳаммамиз назарда тутаётган нарсаларни ифодалашга хизмат қилаётган “молиявий технологиялар” мураккаб атамдир. Унинг мураккаблиги, биринчи навбатда, бу атамани бир сўз билан ифодалашнинг иложи йўқлиги билан изоҳланади. Шунингдек, унинг мураккаблиги яна бу атаманинг, асосан, кўпликда ишлатилаётганлиги билан ҳам боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам, “молиявий технология” шаклида ижтимоий-иқтисодий-молиявий амалиётда бу ибора камдан-кам ишлатилади. Назарда тутилган нарса ёки нарсалар, воқелик, ҳодиса, жараён ва ҳ.к.ларни

бир сўз билан ифодалашнинг иложи бўлмадими, билингки, бу унинг мураккаблигидан нишона, даракдир. Шунга мос равишда, уни тўғри тушуниш, идрок этиш,... ва қабул қилиш ҳам мураккаблашади. Шундай бўлса-да, бизнингча, “Молиявий технологиялар: улар қандай талқин қилиниши керак?”,- деган саволга тўғри жавоб беришнинг ишонарли ва мантиқий йўли бор. Бу, энг аввало, биз қўллаётган мураккаб атамани ифодалашда фойдаланилаётган ҳар бир ўзак сўзнинг маъно-мазмуни ва улар нимани ифодалашга қаратилганлигига жиддий эътибор беришдир. Минг афсуски, ҳатто илмий давраларда ҳам кейинги пайтларда масаланинг бу жиҳатига етарлича эътибор берилмаётир. Натижада бир нарсани турлича ва баъзан қарама-қарши маънода талқин қилиш ҳоллари ҳам содир бўлаётирки, уларни ҳар қандай илм-фан тараққиётининг кушандаси сифатида қарашга тўғри келади, бизнингча.

“Молиявий технологиялар” деб номланган атаманинг ўзидан кўриниб турибдики, у икки мустақил ўзак сўзлар мажмуидан иборат. Сўзларнинг биринчиси “молия” бўлса, уларнинг иккинчиси “технология”дир. Шунингдек, бу танҳо ва мураккаб атамани ифодалашда “-вий” ва “-лар” қўшимчаларидан ҳам фойдаланилган. Бу ўринда “-вий” қўшимчаси қўшилган “молия” сўзи, Она тилимизнинг умумэътироф этилган қоидасига биноан, ўзидан кейин келгувчи “технология” сўзининг қандай сифат ва тавсифга эга эканлигини кўрсатишга хизмат қилади. “Технология”га қўшилган “-лар” қўшимчасида ҳам бу ерда ўзига хос маъно-мазмун мужассам, назаримизда. У бу сўзнинг ўз табиати ва асл моҳиятига кўра кўпинча ва асосан кўпликда ишлатилиши лозимлигини ҳам англатади. Зеро, “молиявий технология” сўзи бирликдаги шакл ва мазмунда камдан-кам қўлланилади ва у истисно тариқасида фақат айрим ўринлардагина (масалан, молиявий технологияларнинг алоҳида бир тури ёки кўриниши ҳақида гап кетганда) шу кўринишда ишлатилиши мумкин, холос.

Энди “Молиявий технологиялар: улар қандай талқин қилиниши керак?”,- деган саволга жавоб беришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган

хар бир ўзак сўзнинг маъно-мазмуни ва уларнинг қандай моҳиятни ифодалаш мумкинлигига ўз эътибо-римишни қаратайлик. Бунинг учун фантазияга берилмаймиз. “Менимча шундай бўлса керак!”,- деган қуруқ ва асоссиз тасдиққа ҳам таянмаймиз. Зеро, бу сўзларнинг асл ўзбекча “вариант”и ва уларнинг қандай маънони англатиши мумкинлиги илм-фанда аллақачон аниқланган. Шунингдек, уларга қисқача изоҳ “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келти (бе)рилган ҳам. Ана шу манбага мурожаат қиладиган бўлсак, у ҳолда “Молиявий технологиялар: улар қандай талқин қилиниши керак?”,- деган саволнинг бирламчи энг содда ёки оддий жавоблари шу ерда мужассам эканлигини аниқлаш унча катта ақлни талаб этмайди.

Ана шу манбада, дастлаб, “технология” юнонча сўз бўлиб, “*techne*” - маҳорат, санъат, “*logos*” - таълимот маъносини англатиши қайд этилган (бу ўринда “технология”дан олдин нега “молия”га эътибор бермаганлигимиз изоҳга муҳтож бўлмаса керак). Шунингдек, унда: а) “ишлаб чиқаришнинг бирор-бир соҳасида хомашё, материал, ярим фабрика ва шу кабиларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар (методлар) мажмуи”; б) “хомашё ва материалларга тегишли ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида ишлов бериш усул ва йўллари ҳақидаги фан” (ўша манбанинг 81-бети), дея изоҳ-таъриф ҳам берилган. Бу берилган изоҳ-таърифлар, бизнингча, “Молиявий технологиялар: улар қандай талқин қилиниши керак?”,- деган саволнинг жавобини топишда ўзига хос фундамент ролини ўйнаши керак. Бироқ, ҳатто сиртдан эътибор берилганда ҳам, ушбу изоҳ-таърифнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб беролмаслиги, унинг, маълум маънода, ҳаётдан биров ортида қолганлиги (гарчи “Луғат” яқинда яратилган бўлишига қарамадан) ва жуда тор маънода қўлланилаётганлиги маълум бўлади-қолади. Зеро, энди XXI асрнинг 1-чорагига келиб, “технология”га “ишлаб чиқаришнинг бирор-бир соҳасида” ёки “хомашё ва материалларга” нисбатан қўлланиладиган “усуллар (методлар) мажмуи” ёки “усул ва йўллари

хақидаги фан” сифатида қараш ва уни айнан шу тарзда талқин қилиш ҳаёт объектив реаллигини ўзида акс эттирмайди, фикримизча.

Бундай хулосага келишимиз асоссиз, аргументация қилинмаган ёки куруқ тасдиқ эмас. У, юқорида қайд этганимиздек, энг аввало, ҳаёт объектив реаллигидан келиб чиқади. Чунки ҳозирги пайтда “технология” атамаси фақат “ишлаб чиқаришнинг бирор-бир соҳасида хомашё, материал, ярим фабрикат ва шу кабиларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда” ёки “хомашё ва материалларга тегишли ишлаб чиқариш куруллари ёрдамида ишлов бериш”да қўлланилибгина қолмасдан, балки бу атама кириб бормаган соҳа деярли қолмади ҳисоб. Хусусан, “ижтимоий технологиялар”, “иқтисодий технологиялар”, “сиёсий технологиялар”, “маданий-маърифий технологиялар”, “педагогик технологиялар”, “ўқув технологиялари”, “илмий технологиялари”, “тарбиявий технологиялар”, “сайлов технологиялари”, “ишлаб чиқариш технологиялари”, “қурилиш технологиялари”, “муҳандислик технологиялари” ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Умуман олганда, ҳатто оддий ўзаро муносабатларда ҳам “технология” сўзини ишлатиш, ўзига хос, “мода” кўринишини олди, десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Буларнинг барчаси эса, ўз навбатида, энди “технология” атамасини юқоридаги “Луғат”да келтирилганидек тор маънода эмас, балки кенг маънода талқин қилинаётганлигидан даракдир. У энди ҳаётнинг барча жабҳаларида қўлланиладиган “усуллар (методлар) мажмуи”дан иборат бўлиши мумкин ва унга худди шундай жабҳаларда ўзини намоён этадиган “усул ва йўллар ҳақидаги фан” сифатида қараш керак.

Юқоридаги мантиқий мулоҳазалар “молиявий технологиялар” дейилганда, энг умумий кўринишда, у ёки бу кўринишдаги молиявий муносабатларни амалга оширишда қўлланилиши мумкин бўлган усул (метод)лар мажмуи тушунилиши керак деган навбатдаги мантиқий хулосани чиқаришга имкон беради. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда “Молиявий технологиялар: улар қандай талқин қилиниши керак?” дейилган саволга қуйидаги содда,

оддий ва бир пайтнинг ўзидан энг умумий бўлган таъриф билан жавоб бериш мумкин: **Молиявий муносабатларни ташкил этиш ёки амалга оширишда қўлланиладиган усул (метод)лар мажмуи молиявий технологиялар дейлади.**

Манتيқан молиявий технологиялар умумий ҳаётий технологияларнинг бир қисми ҳисобланади. Улар ўз қўлланилиш соҳа (чегара)сига эга. Бу соҳа (чегара) молиявий муносабатларни ўз ичига қамраб олади. Молиявий технологиялар молиявий муносабатлар доира (чегара)сида қўлланилади ва уларни амалга ошириш жараёнига хизмат қилади. Молиявий муносабатларнинг қай даражада самарадорлигини белгилаб беришда қандай молиявий технологияларнинг қўлланилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Улар молиявий муносабатларнинг тараққий этиб, тобора такомиллашиб, замонавийлашиб ва давр чақириғига ўз вақтида жавоб бериб боришига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин. У ёки бу кўринишдаги молиявий муносабатлар ҳаётчанлигини белгилаб беришда ҳам қўлланилган молиявий технологиялар асосий ролни ўйнайди.

Бошқа бир томондан олиб қараганда эса, молиявий технологиялар пул маблағлари ёки пул оқимларининг ҳаракатланишига хизмат қилади ва шуларга қаратилган бўлади. Шу маънода пул маблағлари ёки молиявий ресурсларнинг бир иқтисодий субъектдан иккинчи бир иқтисодий субъектга оқиб ўтиши ҳам турли молиявий технологиялар ёрдамида амалга оширилади.

“Молиявий технологиялар: улар қандай талқин қилиниши керак?” тарзида ифодаланган сарлавҳага нисбатан қарашларимиз, ҳозирча, ана шу юқоридагилардан иборат. Бироқ, улар дастлабки қараш бўлиб, юқоридаги сарлавҳани батафсилроқ ёритиш учун етарли деб ҳисобланиши мумкин эмас. Сарлавҳанинг бу шакл ва мазмунда қўйилиши, шунингдек, уларнинг тур, шакл ёки кўринишлари тўғрисида ҳам аниқ тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Булар эса, ўз навбатида, ушбу мавзуга бағишланган навбатдаги мақоламиз предмети ҳисобланади.